

## **Бизнес-режага мувофиқ 2019 йилда ривожланишнинг асосий йўналишлари (Банк Кенгаши томонидан 2018 йил 27 ноябрда тасдиқланган)**

Банк ўз фаолиятини амалга оширишда банк акциядорлари ва мижозларининг манфаатларидан келиб чиқиб иш юритади.

Банкнинг асосий стратегик мақсадлари:

- фойда олиш;
- хатарларни камайтириш;
- банк фаолиятининг самарадорлигини ошириш;
- банкнинг бенуқсон ишбилармонлик обрўсини сақлаган ҳолда унинг фаолияти ошкоралигини ошириш.

Бугунги шароитда Банк қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

- молиявий хизматлар бозорида банк нуфузини мустаҳкамлаш;
- банк капиталини ошириш;
- банк тармоқ бўлинмалари иш самарадорлигини ошириш;
- ҳар бир мижозга алоҳида ёндашув ва стандарт технологияларни уйғунлаштирган ҳолда, мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини такомиллаштириш;
- банкка энг яхши мижозларни мумкин қадар кўпроқ жалб қилиш ва улар билан узоқ муддат ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш;
- активлар ва пассивлар тузилмасини мувозанат ҳолатда ушлаб туриш ва бошқариш;
- ички назорат тизимини ўз ичига олган хатарларни бошқариш тўлиқ функционал тизимининг самарали фаолиятини таъминлаш;
- корпоратив бошқарув ва ваколатлар тақсимланишининг оптимал тизимига таянган ҳолда банк бошқаруви системасинининг мослашувчанлигини таъминлаш, қарорлар қабул қилиш ва амалга оширилаётган операциялар сифатини яхшилаш мақсадида ходимлар ишини тўғри ташкил этиш ва банкни бошқариш усуллариини такомиллаштириш;
- банк ходимлари меҳнат унумдорлиги, сифати ва самарадорлигини ошириш.

Жалб қилинган ресурслар ҳажмини кўпайтириш мақсадида Банк аҳолининг турли қатламларига янги турдаги жозибатор қўйилмаларни таклиф қилади, мижозларнинг маблағларини банкдаги депозит ҳисобларига жойлаштириш ишларини давом эттиради, банк таклиф этаётган хизматлар ва қонун талабларига мувофиқ банк тўғрисида ошкор қилиниши шарт бўлган маълумотлар ҳақида хабардор қилади.

Банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бу кредит портфели сифатини яхшилаш натижасида кредит операцияларини кенгайтириш ҳисобланади. Мазкур йўналишда Банк барча имкониятларини кредит берилишидан олдин кредит таъминоти ва қарз олувчининг молиявий ҳолатини астойидил ўрганиш, кредит шартномаси амал қилиш муддати давомида берилган кредитларнинг мониторингини олиб бориш ва кредит таъминоти сифатида фақат мижоз ўзида олиб қолишга интиладиган юқори ликвидли мол-мулкларни қабул қилишга қаратади.

Банкнинг бошқа муҳим йўналишларидан бири бу авваламбор маъмурий-бошқарув харажатларини ўз ичига олган фоизсиз харажатларни максимал даражада қисқартирилиши ва фоизсиз даромадлар миқдорини оширилиши ҳисобланади.